

“O`ZPARTAMPONAJ” AJ

Акциядорларининг 2020 йил « 30 » сентябрдаги

умумий йиғилиш қарори билан

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

М.Ў.

**«O`ZPARTAMPONAJ»
aksiyadorlik jamiyatining**

**«АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА»ги**

**Н И З О М И
(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

ҚОРОВУЛБОЗОР ТУМАНИ-2020 йил

**«Ўзпартампонаж» акциядорлик жамияти
акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида
Н И З О М И**

I. Умумий қоидалар.

1.1. Мазкур Низом «Ўзпартампонаж» акциядорлик жамияти акциядорлари Умумий йиғилиши макomini белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда «Ўзпартампонаж» акциядорлик жамияти Низомига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

1.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, шунингдек жамиятнинг йиллик ҳисоботи яқка тартибдаги ижроия органи-директор (кейинги ўринларда-директор) ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

Жамиятда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши одатда ҳар йили 20-30 июн кунлари мобайнида ўтказилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.7. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишга ҳақли.

Миноритар акциядорлар ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини кўллаш йўли билан акциядорлик жамияти директори фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини таъминлаш харажатини қоплайди (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда).

II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари

2.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) жамиятни қайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва яқуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

л) жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

м) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини эшитиш;

н) жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларини эшитиш;

о) имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

п) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

р) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

с) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш,

т) кундалик хўжалик фаолиятига тегишли бўлган битимларни белгилаш;

у) Шу билан бирга акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига қуйидагилар киреди:

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошқор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Тафтиш комиссияси” ёки “Тафтишчи” тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- санок комиссиясига амалий кўмак кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- Корпоратив бошқарув Кодексида белгиланган бошқа масалаларни ваколат доирасида ҳал этиш.

- Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш ва СМК, СЙК ва уларнинг жамият фаолиятини яқунлари бўйича бажариши ҳисобини текшириш бўйича консалтинг хизматлари учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.3 Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият директорига берилиши мумкин эмас.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Ушбу Низомнинг 2.2. бандининг а, б, в, д, н, с - хат бошиларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилгандан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

III. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА КАТНАШИШ ҲУҚУҚИ, АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РУЙХАТДАН ЎТКАЗИШ, ЖАМИЯТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ

3.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2 Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3 Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

3.4 Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

3.5 Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

IV. ЖАМИЯТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING КУН ТАРТИБИГА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ

4.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин **90 (тўқсон) кундан кечиктирмай** акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.3. Жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.4. Жамиятнинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда 4.1 бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

4.5. Ушбу Низомнинг 4.1. бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

- акциядорлар (акциядор) ушбу Низомнинг 4.1 бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

4.6. Ушбу Низомнинг 4.1. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

- таклифлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.7. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.8. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. АКЦИЯДОРЛАРNING ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ

5.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда жамиятнинг кузатув кенгаши, ушбу Низомнинг 6.7 бандида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;
- умумий йиғилишнинг кун тартибини;
- умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

5.2 Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

5.3 Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

5.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритилладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

5.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

6.1 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

6.2 Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

6.3 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

6.4 Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидеги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

6.5 Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

6.6 Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий

йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) 6.1 бандида назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

6.7 Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши ушбу Қонунда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

VII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

7.1 Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

7.2 Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

7.3 Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 62-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

7.4 Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

7.5 Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси — битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув

кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

VIII. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

8.1. Куйидагилар умумий йиғилиш органлари ҳисобланади: Раёсат, санок комиссияси, котиб (котибият).

8.2. Акциядорлар Умумий йиғилиши раёсати ва раиси Акциядорлар умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми таркибига лавозимига кўра Кузатувчи кенгаш раиси киради.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун уз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур булган барча ваколатларга эга бўлади.

8.4. Умумий йиғилиш раиси, йиғилишни боришига раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органлари шуни мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини таъминлайди.

8.5. Умумий йиғилиш раиси умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

8.6. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8.7. Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Санок комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият директори, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

8.8. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг бир овоз берувчи акцияси 1 овоз» принципи бўйича амалга оширилади (жамият кузатувчи кенгаши аъзолари сайловлари бўйича номзодлар сонига қараб, қанча бўлса шунча овоз берилган ҳоллар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари).

8.9. Овоз бериш бюллетенлари орқали амалга ошириладиган овоз беришда овозлар овоз берувчиларга овоз беришнинг эҳтимол тутилган вариантларидан фақат биттаси қолдирилган масалалар бўйича ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган талаб бузилган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ундаги мавжуд масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

8.10. Агар овоз бериш бюллетенида овоз беришга қўйилган бир неча масала мавжуд бўлса, юқорида кўрсатилган талаб бир ёки бир неча масалага нисбатан риоя қилинмаслиги овоз бериш бюллетенининг умуман ҳақиқий эмаслиги тан олиншига олиб келмайди.

8.11. Санок комиссияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш масаласида мустақил иш кўрувчи йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланади ва кузатувчи кенгашнинг таклифига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади.

8.12. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

8.13. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида санок комиссияси кузатувчи кенгашнинг топшириғига кўра куйидаги функцияларини амалга оширади:

- Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

8.14. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган санок комиссияси куйидаги функцияларни амалга оширади:

- Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтказиш;

- ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни беради;
- Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини белгилайди.

8.15. Таркиби бўлиб ўтаётган акциядорлар умумий йиғилиши давомида тасдиқланган санок комиссияси:

- Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;
- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;
- овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;
- овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баён тузади;
- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

8.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш, овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

8.17. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган шахслар ҳисобидан улар томонидан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларини нусха қилиб берилиши мумкин.

8.18. Овоз бериш бюллетенида: жамиятнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага «ёқлайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

8.19. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва шахсий таркиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

8.20. Умумий йиғилиш котибияти:

- умумий йиғилишнинг боришини баёнга қайд қилиб боради;
- ёзма буюртманомалар бўйича йиғилиш кун тартиби масалаларини муҳокама қилишда қатнашиш истагини билдирувчилар рўйхатини олиб боради;
- умумий йиғилиш тамом бўлгандан сўнг 10 кундан кечикмай акциядорлар умумий йиғилиши баёнидан икки нусхада тузади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМий ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

9.1 Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2 Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

9.3. Акциядорлар умумий йиғилиши баёни акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Х. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарориди ўзгача хол кайд этилмаган бўлса ва баёнда акс эттирилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишнинг қарорлари, умумий йиғилишда hozir бўлган, шунингдек hozir бўлмаган барча акциядорлар томонидан уларга тегишли қисми бўйича бажарилиш мажбурийдир.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги низомига

1-ИЛОВА

_____ акциядорлик жамияти акциядорларининг _____ йил _____ да

ўтказиладиган

Умумий йиғилишининг Қайд қилиш

РЎЙХАТИ

Т/р	Акциядор фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Овоз берувчи акциялар сони	Акциядор имзоси	(вакил бор бўлса тўлдирилади)				
				Вакил фамилияси, исми, отасининг исми (номи)	Ишончнома рақами	Ишончнома берилган сана	Овоз берувчи акциялар сони	Вакил имзоси
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Умумий йиғилишнинг барча рўйхатдан ўтказилган қатнашчилари киши ____, овоз берувчилар _____.

Кворум мавжудлиги (овоз берувчи акцияларнинг умумий сонидан фоизларда) _____%.

Санок комиссия аъзолари: _____ Ф.И.Ш.

(имзо)

_____ Ф.И.Ш.

(имзо)

_____ Ф.И.Ш.

(имзо)

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги низомига

2-ИЛОВА

_____ йил «__» _____ да

акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилишида овоз бериш учун

_____ АЖнинг _____ та

овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи _____ нинг

Ф.И.Ш.

_____ -сон* БЮЛЛЕТЕНИ

Умумий йиғилиш ўтказилган вақт ___:___

Кун тартибдаги масалалар бўйича овоз беришда “тарафдор”, “Қарши” ёки “Бетараф” вариантларидан биттасини танлаш керак (вариантни танлаш усули: Х, √ ёки муайян катакка овозлар сонини ёзиш керак), кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи бўйича овоз бериш ҳоллари бундан мустасно.

(овозлар сони)

№	Кун тартибдаги масала	Тарафдорлар	Қаршилар	Бетарафлар
1.				
2.				
3.				

Кузатув кенгаши аъзоларини кумулятив усулда сайланади бунда, Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига яъни _____ га кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

№	Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:		Тарафдор (Кузатув кенгаши таркиби номзодига берилган овозлар сони)
	Кузатув кенгаши таркибига номзоднинг Ф.И.Ш.	Кузатув кенгашига номзод тўғрисидаги маълумотлар (Қаерда ва ким бўлиб ишлайди)	

Фамилияси, исми ва отасининг
исмининг бош ҳарфлари _____

_____ (имзо)

* Қайд этиш рўйхати бўйича акциядорнинг рақами кўрсатилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги низоми
3-ИЛОВА
БИЛДИРИШНОМА

Ҳурматли _____

манзилида жойлашган _____ АЖ, телефон _____,

Сизга 20 _____ соат _____ минутда _____ манзилида жойлашган
акциядорлик жамиятимиз акциядорларининг йиллик (навбатдан ташқари) йиғилиши бўлиши
ҳақида маълум қилади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 20__йил
_____ даги ҳолатига кўра тузилади.

Умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорларни рўйхатга олиш соат ___:___ да бошланади
ва соат ___:___ гача давом этади.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- 1.
- 2.

3.

...

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида Сиз акциядорлар умумий йиғилишининг қуйидаги материаллари билан танишишингиз мумкин:

1.

2.

3.

...

Умумий йиғилишда иштирок этиш учун, акциядорда паспорт ёки бошқа шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши керак, акциядорларнинг вакиллари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келиши шарт. (жисмоний шахслар учун – нотариал тасдиқланган ишончнома, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган ишончнома иштирок этиши шарт)

« _____ » АЖ Кузатувчи кенгаши.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

« _____ » АЖ

Акциядор _____ нинг Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масалани киритиш тўғрисидаги таклифи

Талабнинг мазмуни (таклиф)

Кузатув кенгаши таркибига таклиф қилинаётган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли бўлган турига бўлинган ҳолда АЖ акциялари сони):

Тафтиш комиссияси таркибига таклиф қилинаётган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли бўлган турига бўлинган ҳолда АЖ акциялари сони):

Ижроия органи таркибига таклиф қилинаётган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли бўлган турига бўлинган ҳолда АЖ акциялари сони):

Жами акциялар сони _____

Шундан:

_____ дона оддий.

_____ дона имтиёзли.

Мазкур ____ дона овоз берувчи акция, жамият устав фондига нисбатан ____% ни ташкил этади.

Ф.И.О. _____

_____ (имзо, сана)

Акциядорларнинг умумий йиғилиши
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

« _____ » АЖ

Акциядор _____ нинг (агар навбатдан ташқари умумий йиғилиш тафтиш комиссияси талаби билан чақирилса, мазкур бандга ушбу кўрсатилади) акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги

ТАЛАБИ

Жами акциялар сони _____ (акциядор томонидан талаб тақдим этилган ҳолларда)

Шундан:

_____ дона оддий.

_____ дона имтиёзли.

Мазкур ____ дона овоз берувчи акция, жамият устав фондига нисбатан ____% ни ташкил этади.

Талабнинг мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши чақирилишининг сабаби)

Акциядорларнинг умумий йиғилишига киритилиши лозим бўлган масаланинг таърифи (киритилиш сабабини кўрсатган ҳолда):

Кузатув кенгаши таркибига таклиф қилинаётган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими, номзодга тегишли бўлган турига бўлинган ҳолда АЖ акциялари сони):

Ф.И.О. _____

_____ (имзо, сана)